

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**«ЗАМОНАВИЙ ГЕОСИЁСАТНИНГ ДОЛЗАРБ  
МУАММОЛАРИ» МОДУЛИ БЎЙИЧА  
Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Тузувчи: А.А.БИЙКУЗИЕВ**

**Тошкент – 2019**

## МУНДАРИЖА

<b>I. Ишчи дастур.....</b>	<b>3</b>
<b>II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интрефаол таълим методлари. ....</b>	<b>17</b>
<b>III. Назарий машғулот материаллари .....</b>	<b>20</b>
<b>IV. Амалий машғулот материаллари .....</b>	<b>47</b>
<b>V. Кейслар банки .....</b>	<b>53</b>
<b>VI. Глоссарий.....</b>	<b>56</b>
<b>VII. Адабиётлар рўйхати .....</b>	<b>58</b>

## **I. ИШЧИ ДАСТУР**

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

#### **ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**



#### **“ЗАМОНАВИЙ ГЕОСИЁСАТНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ”**

#### **МОДУЛИ БЎЙИЧА**

#### **ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ**

**Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси йўналиши: Тарих**

**Тингловчилар контингенти: Олий таълим муассасаларининг**

**профессор-ўқитувчилари**

**Тошкент – 2019**

*Мазкур ишчи дастур Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йилнинг 2 ноябрдаги 1023 - сонли буйруғи билан тасдиқланган намунавий ўқув режа ва дастур асосида ишлаб чиқилган*

**Тузувчи:**

ЎзМУ,

**А.А. Бийкузиев**

**Такризчилар:**

ЎзМУ, тарих фанлари  
номзоди, доцент  
О.А.Махмудов,  
тарих фанлари  
номзоди, доцент  
А.Г.Холлиев.

*Ишчи ўқув дастур ЎзМУ нинг Кенгашининг 2019 йил 29 августдаги 1 - сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган*

## Кириш

Мазкур дастур ривожланган хорижий давлатларнинг олий таълим соҳасида эришган ютуқлари ҳамда орттирган тажрибалари асосида “Тарих” қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши учун тайёрланган намунавий ўқув режа ҳамда дастур мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Замонавий геосиёсатнинг долзарб муаммолари ҳозирги кунгача бўлган ривожланишининг асосий омиллари ва йўналишларини ёритишга қаратилган. Тақдим этилган курс тарихчи мутахассисларнинг назарий – услубий савиясини оширишда жаҳонда рўй бераётган тарихий жараёнларни чуқур ўрганишдаги асосий концептуал ёндашувлар билан танишишда катта аҳамият касб этади.

Шунингдек, “Замонавий геосиёсатнинг долзарб муаммолари” фани ҳақидаги билимларни қарор топшириш мавжуд илмий адабиётлар ва замонавий назариялар ҳамда олиб борилаётган тадқиқот ишларини ўрганиш, фан бўйича тўпланган илғор тажрибалар, кадрлар буюртмачиларининг фикр, талаб ва таклифлари каби масалаларни ўз ичига қамраб олади. Демак, таълим тизими самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ҳамда амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илғор тажрибаларини ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. “Замонавий геосиёсатнинг долзарб муаммолари” модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

Замонавий геосиёсатнинг долзарб муаммолари фанини ўрганиш муаммолари маъруза ва амалий машғулотларни ўзлаштириш жараёнида тингловчилар Европа, Америка қўшма штатлари давлатларнинг замонавий геосиёсатнинг долзарб муаммолари ўқитиш жараёнининг ташкил этилиши, модуль-кредит тизими, фанларнинг тақсимланиши, талабаларнинг мустақил таълимнинг ташкил қилиниши, етакчи хорижий олигоҳларида чоп этилган дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмалар ҳақида тасаввурга эга бўладилар.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Замонавий геосиёсатнинг долзарб муаммолари” **модулини ўқитишдан мақсад:** олий ўқув юртларидаги замонавий геосиёсатнинг долзарб муаммолари бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш орқали геосиёсат йўналишидаги таълим жараёнини мувофиқлаштириш ва мазмунан бойитиш, замонавий геосиёсатнинг долзарб муаммолари ўқитиш самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган замонавий ёндашишлар билан ҳамда педагогик ва ахборот технологиялар билан таништириш, замонавий геосиёсат соҳасида юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш.

### Модулнинг вазифалари:

- Республика олийгоҳларида замонавий геосиёсатнинг долзарб муаммолари таълими структурасини мувофиқлаштириш;

- Республика олийгоҳларида замонавий геосиёсатнинг долзарб муаммолари таълимнинг моҳиятини мукамаллаштириш;
- Тарих аниқловчиси ва тарихий тадқиқ усуллари энг қадимги даврдан ҳозирги кунларгача бўлган жараёни ва жамиятнинг ривожланишига кўшган ҳиссаси ва аҳамиятини тингловчиларга етказиш;
- Республика олийгоҳларида замонавий геосиёсатнинг долзарб муаммоларини ўқитиш методикасининг асосий муаммолари, таълим-тарбия жараёнини замон талабларига мос ҳолда ташкил этиш ва бошқариш;
- Классик ва ҳозирги замон тарих маъносига тарихий онг ва тарихга тарихий онгнинг икки томонлигига чуқур ёндашилиб тадқиқ қилиш;
- Республика олийгоҳларида геосиёсат асослари бўйича маъруза, амалий ва мустақил ишлари дарсларини ташкил этиш жараёнида замонавий таълим ва ахборот технологияларидан фойдаланиш.

### **Модуль бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Замонавий геосиёсатнинг долзарб муаммолари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- жаҳон етакчи университетларининг ўқув методлар;
- хорижда Замонавий геосиёсатнинг долзарб муаммолари фанлари бўйича дарсликлари, ўқув қўлланмалари структураси;
- жаҳон ва республикамизнинг замонавий геосиёсатнинг долзарб муаммолари фанининг ривожига ҳақида билимларга эга бўлиши;

#### **Тингловчи:**

- “Замонавий геосиёсатнинг долзарб муаммолари” фанининг модулини яратиш;
- “Замонавий геосиёсатнинг долзарб муаммолари” фанидан таабалар ҳар бир тарихий даврда тарихий тадқиқотлар кўлами, ҳар бир даврнинг ўз долзарб муаммосини тадқиқотларнинг методологик асосларини мукамал билиши.

#### **Тингловчи:**

- замонавий геосиёсатнинг долзарб муаммоларининг ривожланиб бориш жараёнлари, тарих фанининг алоҳида фан мавқеига эга бўлиши. Классик ва ҳозирги даврдаги тарих фанининг долзарб муаммолари, Европа, Шарқ олимлари, файласуфларнинг тарихий назарияларини мукамал ўрганиши;
- фан бўйича эгаллаган билимларини таҳлил қилиш; геосиёсат соҳасида жаҳон ҳамжамияти томонидан тўпланган тарихий тажрибани илмий ва педагогик амалиётда самарали қўллаш малакаларига эга бўлиши;
- креативлик ва ижодийликни замонавий геосиёсатнинг долзарб муаммолари тарихига оид фанларни ўқитишда қўллай олиш компетенцияларни эгаллаши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

Замонавий геосиёсатнинг долзарб муаммолари ўрганиш муаммолари янги модул бўлганлиги туфайли дарс давомида модулни мазмунан бойитиш, тингловчилар ўз тажрибалардан ва интернет тармоқларидан олган материалларни оммавийлаштирилиши мақсадга мувофиқ.

Курсни ўқитиш жараёнида кичик гуруҳларда ишлаш, аудитория дарслардан олдин маълумотлар билан таълимнинг замонавий методлари, таълим технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган. Ҳар бир тингловчи учун Замонавий геосиёсатнинг долзарб муаммолари тарихини ўқитишида ўзини ва илғор хорижий тажрибаларни солиштириш учун имкониятлар яратилади. Республикамизнинг олийгоҳларида қўлланилиши мумкин бўлган усул, воситалар ва технологияларни танлаб олиш учун тингловчилардан амалий фаоллик талаб этилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Замонавий геосиёсатнинг долзарб муаммолари модули мазмуни ўқув режадаги илғор таълим технологиялари ва педагогик йўналишидаги (Халқаро муносабатлар тарихи.), тарих фанининг долзарб масалаларини ёритувчи барча модуллари билан ҳамда тарих йўналиши (“Хорижий мамлакатлар давлатчилиги ривожланиш босқичлари”) ўқув модуллари билан узвий боғлиқ. Олий ўқув юртларда замонавий геосиёсатнинг долзарб муаммолари фанини ўқитиш самараси ва республикамизда замонавий геосиёсатнинг долзарб муаммолари фанининг ривожланиши, замонавий геосиёсатнинг долзарб муаммоларини ўқитишга оид замонавий билим ва кўникмалар ҳамда илғор педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилганда ошади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар илғор хорижий мамлакатларда замонавий геосиёсатнинг долзарб муаммолари фанини ўқитишни ташкил қилишнинг хорижий тажрибаларни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар. Сўнгги йилларда замонавий геосиёсат фани соҳасидаги ютуқлар ва истиқболлар олий ўқув юртларида замонавий геосиёсатнинг долзарб муаммолари фанининг мазмунини бойитишга хизмат қилади.

**“Замонавий геосиёсатнинг долзарб муаммолари” модулининг  
соатлар бўйича тақсимоти**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат			
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси		
			Жами	Назарий	жумладан Амалий машғулот
1.	“Замонавий геосиёсатнинг долзарб муаммолари” фани ва унинг ўзига хос хусусиятлари.	4	4	2	2
2.	Геосиёсатда Хартланд ва Римланд тушунчаси таҳлили.	4	4	2	2
3.	Геосиёсатда Евроосиёчилик ғоясидаги асосий муаммолар.	4	4	2	2
4.	Инглиз-саксон геосиёсий мактабининг замонавий муаммолари.	4	4	2	2
<b>Жами: 16</b>		<b>16</b>	<b>16</b>	<b>8</b>	<b>8</b>

**НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**Мавзу 1. “Замонавий геосиёсатнинг долзарб муаммолари” фани ва унинг ўзига хос хусусиятлари.**

Бугунги халқаро муносабатларда кечаётган жараёнларни ўрганиш ва уларни таҳлил этишдаги назарий-услубий ёндашувлар ўтган даврлардаги ёндашувлардан маълум даражада фарқ қилади. Негаки, замонавий илмий муҳит жаҳон тараққиётининг мураккаб муаммоларини ўзида жорий қилган “ўтиш даври” билан рўбарў келиб турибди. Унинг устига “совуқ уруш”дан кейин жаҳон сиёсатига таъсирини кўрсатаётган геосиёсий ўзгаришлар тўлқини янги бир босқичга кўтарилди. Бир қатор давлатларда сиёсий тузумлар тубдан ўзгарди; давлатларнинг ва иттифоқдош давлатларнинг географик чегаралари янгидан шаклланиб бу жараён маълум маънода яна давом этмоқда; интеграция жараёнларини дезинтеграция алоқалари қамраб олди ёки аксинча. Умуман, халқаро муносабатлар тизими тез ўзгариб турибди.

Ушбу фанни ўқитишдан кўзланган асосий мақсад замонавий фанда геосиёсат изланишларининг заруриятини кўрсатиш. Талабаларни асосий геосиёсат назариялари билан таништириш.

Ҳозирги замон фанида “геосиёсат” тушунчаси Ф.Рацель, Р.Челлен, А.Мэхен, К.Хаусхоффер, С.Хантингтон, З.Бжезинский, Ф.Фукуяма, А.Дугин



ва бошқалар томонидан кенг ёритилган. Геосиёсат фанининг ривожланиш босқичлари ўрганилади.

Ўқитиш жараёнида жаҳон ва республикада “Замонавий геосиёсатнинг долзарб муаммолари” фанининг ривожланиш тенденциялари ёритилади.

## **Мавзу 2. Геосиёсатда Ҳартланд ва Римланд тушунчаси таҳлили**

Агар ҳарбий соҳада куруқлик ичидаги (теллурократия) давлатда куруқликдаги кўшинларга эътибор берилиб ва унга кўпроқ маблағ ажратилса, денгизга туташ —ёки денгиз ичидаги давлатларда ҳарбий — денгиз флотига эътибор катта бўлади. Бунга собиқ СССР ва АҚШ ўртасидаги ("совуқ уруш" мобайнида) муносабатлар яққол мисол бўлади".

1946-1991 йиллар ўрталаридаги халқаро муносабатларда геосиёсий дуализм нисбатан ўзининг энг кульминацион нуқтасига кўтарилди — Талассократия устидан АҚШ "ҳокимлик" қилган бўлса, теллурократия устидан собиқ СССР "ҳокимлик" қиларди.

Бошқа даврлардан "совуқ уруш" давридаги талассократия ва теллурократиянинг фарқли томони шундаки, иккала цивилизациянинг асосида марказлашган геомафкуравий (марксча социализм ва либерал капитализм) қарама-қаршилик турарди.

Теллурократия ва талассократия ўртасидаги муносабат қарама-қаршилик асосига қурилган. Бу эса улар ўртасидаги муносабатнинг ижтимоий ҳарактер касб этиши билан эмас, балки ижтимоий муносабатларнинг "ҳокимликни кўлга киритиш"га йўналтирилганлиги билан ҳам изоҳланади. Улар ўртасидаги қарама-қаршилик ер юзининг турли нуқталарида ҳар хил даража ва ҳар хил шаклларда замонга мувофиқлашган ҳолда ривожланиб боради. Бироқ геосиёсий дуализм учун макон битта ер юзи ёки жаҳон геосиёсий майдони.

Назарияда жаҳон геосиёсий майдонининг андозаси асосан учга бўлинади (булар ҳақида қуйироқда батафсилроқ тўхталамиз):

«Ҳартланд» («Асосий ўлка») — Евросиё — «тарихнинг географик ўзаги»;

Агар ушбу назарий андозадан келиб чикиб фикр юритсак, "Ҳартланд" ни жаҳон геосиёсий майдонига, марказ атрофидаги ички ярим ойга ва марказ атрофидаги ташқи ярим ойга қиёс қилиш мумкин

"Ярим ой" — бу Шимолий ва Ғарбий Европанинг Атлантика океани қирғоқ бўйлари, Ўрта Ер денгизи ҳавзаси, Қизил денгиз, Форс кўрфази, Жанубий—Шарқий Осиёнинг Ҳинд ва Тинч океани қирғоқларини ўзида туташтирган ер - Евросиё материгининг ғарбий, ғарбий—жанубий, жанубий, жанубий—шарқий қирғоқбўйи маконидир.

"Асосий ўлка"ни ўраб турган ташқи ярим ой эса Тинч океанининг шимолий — ғарбидан бошланиб яна шу океаннинг жанубий — шарқий қисмигача ўзлангандир, яъни Шимолий Америка, Жанубий Америка, Атлантика океанининг жанубий ороллари, Африка материгининг жануби, Ҳинд океани ороллари, Австралия ва ниҳоят Тинч океани.

Россия ва Совет Иттифоқи – империя ғояси. Совет Иттифоқи парчалангандан сўнг Россиянинг геосиёсий аҳволи. Россия келажаги. Буюк давлат ёки Ғарбнинг хом аше кўшимчаси. Россиянинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва аҳамияти. Россиянинг Европа, АҚШ ва Осиё мамлакатлари билан муносабатлари. Марказий Осиёда Россия геосиёсати.

Римланд ғоясининг инлиз-саксон геосиёсатида туганган ўрни ва ҳардленд назариясига муносабати ҳақида фикрлар билдирилади. Айниқса З.Бжезинский, Ф.Фукуяма ва А.Дугинларнинг геосиёсий қарашлари таҳлил қилинади.

### **Мавзу 3. Геосиёсатда Евроосиёчилик ғоясидаги асосий муаммолар.**

Жаҳон геосиёсатида замонавий ривожланишни тушуниш учун уларнинг назарий-услубий асосларини чуқур ўрганиш зарур. Геосиёсат сиёсатдаги ҳудудий, демографик, ҳарбий ва бошқа факторларни ўзаро алоқаларини кўриб чиқадилар. Айниқса Евроосиёчиликда ҳартленд омили этиборга сазовордир.

Ушбу фан талабаларда жаҳон тарихининг долзарб масалалари бўйича бутун бир билимлар мажмуининг тўпланишига ва геосиёсий йўналишлар ҳақида тушунчаларнинг шаклланишига кўмак беради.

*Хартланд* шундай бир геосиёсий принцип бўлиб, унинг моҳияти теллурократия ва талассократия ўртасидаги геосиёсий чегара ҳудудларни англатади ва уни кўрсатиб беради.

Тўғри, халқаро муносабатлар тарихида маконан «*ёйсимон*»га мансуб давлатлар ўзларининг ҳарбий — дипломатик ёки босқинчилик юришларида талассократия ёки теллурократиянинг ҳудудларига кириб боришган.

Ушбу мисоллар билан - чегара ҳудудга оид давлатлар хоҳласа теллурократия ёки талассократияга мансуб бўлиб кетаверади, деган фикрдан йироқмиз. Бу билан ушбу давлатларнинг халқаро муносабатлар тарихий тараққиётининг маълум бир босқичида жаҳон сиёсий куч маркази сифатида шаклланганлиги, колаверса, жаҳон сиёсий куч марказига айланган давлатлар "Асосий ўлка" ва "ташқи ярим ой" минтақаларида ҳам бўлганлиги ва бўлишини айтмоқчимиз.

Аниқроқ айтадиган бўлсак, давлатлар географик жойлашуви жиҳатидан юқоридаги уч борлиқдан (*теллурократия, талассократия, соҳил*) бирига оид булиши табиий. Бироқ уларнинг халқаро муносабатларда сиёсий куч маркази сифатида шаклланиши унинг шу минтақадан тўла чиқиб кетди, дегани эмас.

Айнан шу саволга жавоб бериш учун атлантизм оқими вакиллари географик жойлашувини эътиборга олиб мансуб давлатларни уч бўлакка бўлишмоқда, яъни:

- макони ҳартленд ичига кириб борган, лекин римлендга мансуб борлиқлар: Хитой, Монголия, Шимолий Вьетнам, Бангладеш, Афганистон;
- геосиёсий жиҳатдан нейтрал бўлган римланд давлатлари: Жанубий Корея, Бирма, Ҳиндистон, Ироқ, Сурия, Босния ва Герцеговина, Македония, Словения, Хорватия, Югославия (Сербия ва Черногория);

- ўзи римландга мансуб, аммо талассократияга мойиллиги бор давлатлар: Ғарбий Европа давлатлари, Греция, Туркия, Эрон, Покистон, Таиланд.

Ўта мунозарали тасниф. Келтирилган қайдлар қанчалик мунозарали бўлмасин, уларга нисбатан фақат бир фикр айтиш мумкин. Яъни, жаҳон геосиёсий майдонида римленднинг мавқеи ошиб бормоқда. Бу эса унинг талассократая ва теллуократия ўртасида шунчаки оралиқ макон эмас, муҳим принцип эканлигидан далолат беради.

#### **Мавзу 4. *Инглиз-саксон геосиёсий мактабининг замонавий муаммолари***

А.Мэхэннинг концепцияси нафақат геосиёсий муаммоларни таҳлил ва тасниф этиб келаётган илмий муҳитга, балки жаҳон сиёсатида етакчи ўринларда турган давлатлар раҳбарларининг режаларига ҳам муайян даражада таъсир ўтказган. А. Мэхэн учун сиёсатнинг асосий қуроли савдо ҳисобланади. Шунинг учун ҳарбий юришлар натижаси курраи заминда савдо цивилизациясининг ривожланиши учун қулай имкониятларни яратиб бериши лозим. Савдо бу иқтисод. Иқтисод эса қуйидаги уч омилни муҳим деб билади:

- кемалар қатновининг йўлга қўйилганлиги (товар ва хизмат кўрсатиш алмашинувини йўлга қўйиш)

- мустамлакалар (жаҳон миқёсида товар алмашиш ҳаракатини йўлга қўйган ишлаб чиқарувчилар)

- ҳар бир давлат ўзининг геосиёсий мақомига эга.

Давлат геосиёсий имкониятларини аниқлаш қуйидаги олти та жиҳатларда намоён бўлади:

- давлатнинг географик жойлашуви, яъни унинг денгизга туташганлиги, денгиз коммуникация тизимида чиқиш имкониятлари курукликдаги чегаралари, стратегик йўллари назорат қилишга ва рақибга ўз денгиз кучлари билан қарши чиқишга қодирлиги;

- давлатнинг «жисмоний конфигурацияси, яъни давлатнинг қирғоқ бўйи ҳудудлари, портлар сони ва уларнинг жойлашуви. Давлатнинг ҳалқаро савдо тармоқларига қўшилиши ва стратегик жиҳатдан ҳимояланиши айнан ушбу омилларга боғлиқ;

- ҳудудларининг узунлиги, шу жумладан, денгиз қирғоқ бўйи чизиқларининг узунлиги;

- аҳолининг статистик миқдори. Яъни бу аҳолининг давлатда кема қатновларини йўлга қўйганлиги ва у орқали хизмат кўрсатишни ташкил эта олганлигини баҳолаш учун муҳимдир;

- миллий характер. аҳолининг савдо билан машғул бўлишга қодирлиги;

- бошқарувнинг сиёсий характери. Ҳар қандай давлатнинг денгиз кучи сифатида шаклланиши, аввало ўша давлатдаги табиий ва инсоний ресурсларнинг турли йўналишга қўйилганлигига боғлиқ.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1- Амалий машғулот. “Замонавий геосиёсатнинг долзарб муаммолари”, фани ва унинг ўзига ҳос хусусиятлари.**

*Янги педагогик технология: “ақлий ҳужум”, «меню» методи.*

**Режа:**

1. Геосиёсат тушунчаси.
2. Халқаро муносабатлар тизимида замонавий геосиёсат.
3. Замонавий геосиёсатга цивилизацион ёндашув.

**2- Амалий машғулот. Геосиёсатда Хартленд ва Римланд тушунчаси таҳлили.**

*Янги педагогик технология: “ақлий ҳужум”, «Фикрлар ҳужуми» методи.*

**Режа:**

1. Хартленд назариясининг тарихий илдизлари.
2. Римланд тушунчаси.
3. Замонавий геосиёсатда Римланд ва Хартленд тушунчасига янгича ёндашув.

**3- Амалий машғулот. Геосиёсатда Евроосиёчилик ғоясидаги асосий муаммолар. Янги педагогик технология: “ақлий ҳужум”, «ФСМУ» методи.**

**Режа:**

1. Евроосиёчиликнинг геосиёсий ғоялари
2. Евроосиё геостратегияси.
3. Россия ва Қозоғистон геосиёсати ва Евроосиёчилик.

**4- Амалий машғулот. Инглиз-саксон геосиёсий мактабининг замонавий муаммолари. Янги педагогик технология: “ақлий ҳужум”, “меню”, “дебатлар” методи.**

**Режа:**

1. Инглиз-саксон геосиёсий мактаби тушунчаси.
2. Замонавий АҚШ геосиёсатининг асосий концепциялари
3. Инглиз-саксон геосиёсати ва Европа иттифоқи.

### Ўқитиш шакллари

“Замонавий геосиёсатнинг долзарб муаммолари” курси 8 та маъруза, 8 та амалий машғулот шаклида олиб борилади. Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

Маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва интерфаол педагогик (Ақлий ҳужим, Венн диаграммаси, концептуал жадвал) усул ва технологиялардан фойдаланилади.

Ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, график органайзерлардан, кейслардан фойдаланиш, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, блиц-сўровлардан ва бошқа интерактив таълим усуллари кўллаш назарда тутилади.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. -Т.: “Ўзбекистон”. 2011. - 440 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон. 2018.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4391- сонли Қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги «Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ПФ-5789-сонли Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5729-сон Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2752-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли Қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли Қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги «Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 278-сонли Қарори.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

22. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: «Нихол» нашриёти. 2013, 2016. – 279 б.

23. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. Попова В.В., Круглова Ю.Г.-3-е изд.–М.: «БИНОМ. Лаборатория знаний». 2012. – 319 с.

24. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы.- Т.: Алоқачи. 2017. - 256 стр.
25. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г.М., Бочкова Р.В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Дашков И.К. 2018. - 304 с.
26. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Account 2015. - 134 pp.
27. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.
28. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.
29. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia, 2014. Book 1,2.
30. Karimova V.A., Zaynutdinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari.- Т.: “O’zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti”, 2014. – 192 b.
31. Yusupbekov N.R., Aliev R.A., Aliev R.R., Yusupbekov A.N. Boshqarishning intellectual tizimlari va qaror qabul qilish. –Toshkent: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” DIN. 2015. – 572 b.
32. Mark A Friend, James P Kohn, Fundamentals of Occupational Safety and Health. 2015.
33. Lawden D.F. Optimal Trajectories for Space Navigation Butterworth, Washington, D.C. 2013
34. Natalya.A.Korshunova and Dilmurat.M.Azimov. Analytical Solutions for Thrust Arcs in a Field of Two Fixed Centers // «Journal of Guidance, Control, and Dynamics» (AIAA), USA, 2014. V.37, №5, pp. 1716-1719.
35. Herbert Goldstein. Classical Mechanics. Pearson New International Edition. USA, 2013
36. Гантмахер Ф. Р. Лекции по аналитической механике. 3-е изд. М.: Физматлит, 2012. — С. 262. — ISBN 5-9221-0067-X.
37. Седов Л.И. Механика сплошной среды. Т.2. М.: Наука, 2004 (электрон вариант).
38. Р. Темам, А. Миранвиль. Математическое моделирование в механике сплошных сред . Изд. Бином. 2-издание, М., 2014. 320 с.

#### IV. Интернет сайтлар

39. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
40. Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
41. [www. Ziyonet. Uz](http://www.Ziyonet.Uz)
42. [www.arxiv.org](http://www.arxiv.org)
43. [www.ams.mathscinet.org](http://www.ams.mathscinet.org)
44. <http://eqworld.ipmnet.ru/ru/library/mechanics/theoretical.htm/>

45. <http://www.ruscommech.ru/>
46. <http://www.knigapoisk.ru/book>
47. [www.natlib.uz](http://www.natlib.uz)
48. [www.twirpx.com](http://www.twirpx.com)



## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### Давра столининг тузилмаси

Ёзма давра суҳбатида стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт қоғози берилади. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб варақаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади. Конвертни олган таълим олувчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади. Қуйида “Давра суҳбати” методининг тузилмаси келтирилган



### Хулосалаш (Резюме, Елпиғич) методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли ҳарактеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича

ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрафлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу

### «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

#### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Намуна.**

**Фикр:** “Замонавий геосиёсатнинг долзарб муаммолари қандай масалаларни ёритади?”.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

### III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

#### 1-мавзу: “ЗАМОНАВИЙ ГЕОСИЁСАТНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ” ФАНИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ҲОС ҲУСУСИЯТЛАРИ.

##### **РЕЖА:**

*1.1. Геосиёсат тушунчаси.*

*1.2. Халқаро муносабатлар тизимида замонавий геосиёсат.*

*1.3. Замонавий геосиёсатга цивилизацияон ёндашув.*

**Таянч иборалар:** *Инсон жамияти тараққиёти муаммосига геосиёсий ёндашув йўлларини излаш. Геосиёсат ва геостратегия тушунчаси таҳлили. Геосиёсий кучлар мувозанати ўртасидаги ягона маданият масалалари, ўзига хослик, хилма-хилликнинг ўзаро боғлиқлиги.*

#### **1.1. Геосиёсат тушунчаси.**

Геосиёсат фани муайян минтақа ва давлатларнинг географик жойлашуви, уларнинг чегаралари, табиий ресурслари, жаҳон сиёсатида тутган ўрни ҳамда уларнинг геосиёсий имкониятлари ва истиқболлари билан боғлиқ жараёнларни ўрганади. Бу жиҳатдан ҳар бир мустақил давлат ҳаётида геосиёсатни ўрганишга табиий равишда эҳтиёж Ўзбекистонда ҳам геосиёсатни фан сифатида ўрганишга мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ эътибор қаратилди. Агар Биринчи Президентимизнинг 1991-1993 йилларда қилган маърузаларига, чоп этган асарларини диққат билан ўқисак, Ўзбекистон геосиёсати биринчи Президент И.Каримов томонидан ҳар томонлама очиб берилганлигига амин бўламиз. Юртбошимиз асарларида миллий геосиёсатимиз, унинг тадрижий ривожини миллий давлатимиз манфаатларига, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш масалаларига хизмат қилиши асосли тарзда қайд қилинган.

Ўзбекистон геосиёсий жиҳатдан бошқа давлатларга нисбатан анча қулай минтақада жойлашган. Давлатнинг геосиёсий имкониятлари қуйидаги омиллар билан белгиланади: Ўзбекистон нафақат Марказий Осиёнинг, балки бутун Евросиёнинг марказида жойлашган. Давлатнинг марказий нуқтада жойлашувининг ўзиёқ, «минтақанинг бўлажак тақдири кўп жиҳатдан Ўзбекистонга боғлиқ»лигини кўрсатади; Мамлакат жойлашув жиҳатидан қулай географик — сиёсий мавқега эга<sup>1</sup>. Бу жиҳатдан Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасининг ўз мустақил энергетика ва сув тизимларига эга маркази бўлиб, кўпгина масалаларда кўшни республикаларни боғловчи буғин хизматини ўтайди;

<sup>1</sup> Хўжанов Б.А. Геосиёсат асослари. Т., 2002. Б. 28.

Евросиёда Ғарбни Шарқ билан, Жанубни Шимол билан боғловчи энг муҳим йул — «Буюк Ипак йули»нинг таркибий қисми Ўзбекистон ҳудудига тўғри келади; Мамлакат стратегик ресурслар ҳисобланмиш — нефть, газ, олтин, уран ва бошқа кўплаб ер ости ва ер усти бойликларига эга; давлат кулай табиий иқлим шароитига эга; инсоният тарихий тараққиёти ва цивилизациясида салмоқли ўринга эга;

Марказий Осиё минтақаси аҳолисининг 50% Ўзбекистонла истикомат қилишади. Сиёсий, иқтисодий, демографик, илмий-техникавий, интеллектуал ва бошқа жиҳатлардан Ўзбекистон кушни давлатларга нисбатан бир мунча устуворликка эга. Бу эса унинг минтақада етакчи давлат сифатида шаклланаётганлигига асос бўлмоқда ва ҳоказо. Булардан англашиладики, Ўзбекистонинг келажаги буюк бўлганидек, унинг геосиёсати ҳам истиқболдир.

Бугун давлатимизда олиб борилаётган одил ички ва ташқи сиёсат, чуқур иқтисодий, сиёсий, ижтимоий маънавий ислоҳотлар ва тадрижий ўзгаришлар Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятига янада кириб боришида, давлатлар ўртасида ўз мавқеини эгаллашида жуда кўл келмоқда. Шунингдек, халқимиз турмуш тарзи миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлашганлиги, давлатдаги барқарорлик ва одамларнинг бунёдкорлар жаҳон жамоатчилигини ўзига жалб қилмоқда<sup>1</sup>.

Ҳар бир фан ўзининг назарий ва амалий асосларига эга. Биз «Геосиёсат асослари» ўқув қўлланмасини қисмга ажратишни лозим топдик, яъни I қисм геосиёсатнинг фан сифатида шаклланиши, унинг назар асослари ва классик геосиёсат вакилларининг концепцияларини ўз ичига олади; II қисм эса замонавий геосиёсий таълимотлар, уларнинг амалиёти билан боғлиқ назарий мулоҳазаларга бағишланган бўлса, III-қисм Ўзбекистон Республикасининг геосиёсий жойлашувини, давлат миллий манфаатларининг геосиёсий жиҳатларини ўрганишга бағишлангандир.

Аристотель «инсон табиатан сиёсий мавжудотдир»,— деган эди. Шундай экан, ўзи яшаётган давлат ё минтақанинг қандай геосиёсий муҳитда тавсифланишини билиш ўзини зиёли деб билган ҳар бир инсон учун зарурдир.

Нафақат илмий доирада, балки сиёсатшунослар ўртасида ҳам «геосиёсат» тушунчасига нисбатан ягона бир таъриф йўқ. Мавжуд таърифлар у ёки бу даражада бир-бирини тўлдирсада, маълум жиҳатдан бир-бирига қарама-қарши ҳамдир. Ўз навбатида геосиёсатнинг объект ва субъекти ҳақида ҳам турлича қарашлар бор. Албатта, билдирилган фикрларга салбий муносабат билдириш керак эмас, балки уларни геосиёсатнинг фан сифатида шаклланаётганлиги билан боғлиқ табиий жараён сифатида баҳолаш керак.

Тўғри, XX асрнинг 90-йилларигача коммунистик мафкура геосиёсатни империалистик экспансиясини асослаш учун географик далил ва омиллардан (мамлакатнинг ҳудуди, жойлашуви ва бошқалар) фойдаланувчи сиёсий

<sup>1</sup> Сафоев С.С. Марказий Осиёдаги геосиёсат. Т., 2005. Б. 7.

концепция деб, унинг асосини ирқчилик, мальтусчилик, социал—дарвинизм билан боғлаб таърифлаш орқали салбий баҳолаб келган. Бироқ, кейинги ўн йил ичидаги ўзгаришлар геосиёсатга нисбатан янгича ёндашувлар юзага чиқарди ва геосиёсат собиқ совет фани уқтириб келган ғояларнинг батамом акси эканлигини кўрсатди.

"Геосиёсат" сўзи юнон тилидаги "*гео*" (ер) ва "*политика*" (давлатни бошқариш санъати). Қолаверса, баҳс этаётганимиз геосиёсат назарияси ҳам аввало немис геосиёсий мактабида шаклланганлиги барчага маълум. «Геосиёсат» сўзини асарларида ишлатмасада, геосиёсат фанининг «отаси» деб немис олими Фридрих *Ратцелни* айтиш мумкин. Олим сиёсий географиядан баҳс этади ва ўзининг 1897 йилда чоп этилган асосий ишини ҳам «Сиёсий: география» деб номлаган. Гарчи Ф.Ратцель сиёсий география ҳақида субъектив фикрларини ўртага ташласада, унинг мулоҳазалари бевосита геосиёсий аҳамиятга эга эди. Жумладан, олим давлатда географик омилларнинг устуворлигини ва уларнинг ўзгармаслиги борасидаги фикрларни ёқламайди. Унингча, давлат доимо жўшқинликда ҳаёт кечирувчи «тирик организмдир». Ф.Ратцель фикрича, геосиёсат сиёсий географиядан фарқли тарзда, давлатнинг жойлашиши, унинг иқлими ва шакллари билан бирламчи даражада қизиқмайди. Илмий доирада биринчи бўлиб "геосиёсат" атамасини швед олими *Рудольф Челлен* (1864—1922) ўзининг «Давлат ҳаётнинг бир шакли сифатида» номли асарида қўллаган. Олим геосиёсатга кўйидагича таъриф беради, яъни «геосиёсат — бу борлиқдаги давлатларни географик организм сифатида ўрганувчи фандир». Шунингдек, геосиёсат "... маконни фундаментал асосда тадқиқ қилиш бўлиб, тадқиқот Ер ва ундаги фойдали қазилмалар билан боғлиқ. Бу эса ўз навбатида империяларнинг ташкил топишини, мамлакатларнинг юзага келишини ва давлатлар худуддарини ўрганиш демакдир"<sup>2</sup>.

Геосиёсатга ўзига хос таъриф ўз вақтида «*Геополитика*» номли немисча журналда берилган: Геосиёсат ер ва сиёсий жараёнлар ўртасидаги муносабатларни ўрганувчи фандир. У географик фундаментга эга. Шунингдек, геосиёсатдаги сиёсий организмлар ва уларнинг тузилишини ўрганувчи фан — сиёсий географияга асосланади. Геосиёсатнинг мақсади сиёсий ҳаракатларни керакли воситалар билан таъминлаш ва умуман сиёсий ҳаётга йўналишни кўрсатади. Бу жиҳатдан геосиёсатни амалий сиёсатни бошқариш ҳақидаги фан дейиш мумкин. Геосиёсат — давлатнинг географик шаклидир. Кўплаб тадқиқотчилар геосиёсатга давлатнинг геостратегик кудратига таъсир ўтказувчи географик, тарихий, сиёсий, маданий ва бошқа омилларни ўрганувчи фан сифатида қарашади. Баъзилари эса геосиёсатнинг жамиятдаги, маълум бир минтақа ёки давлатлардаги ҳарбий — сиёсий, маданий ва иқтисодий омилларни этувчи фан эканлигини исботлашга уринишади.

Умуман геосиёсатга нисбатан берилган таърифларни шартли равишда учта асосий қисмга ажратиш мумкин. Булар:

<sup>2</sup> Тихонравов Ю.В. Геополитика. М., 2000. С. 26

- йўналиш: география ва сиёсат ўртасидаги муносабатларга катта эътибор берилади. Бу йўналишдагилар географияга бирламчи омил сифатида қараб, унинг сиёсатга кўпроқ таъсир этишини уқтиришади;

- йўналиш: муайян минтақа ёки жаҳонда ҳокимият учун сиёсий куч марказларининг ўзаро курашларига кенгроқ эътибор берилади. Бу йўналишдагилар асосан давлатлараро рақобатга эътибор бериб, фаннинг умумбашарий хусусиятларидан баҳс этади;

- йўналиш: халқаро майдонда ҳокимият учун курашни географик асосда тадқиқ қилган ва ишлаётган геосиёсатшунос тадқиқотчилар фикрлари. Бу йўналишдагилар геосиёсий концепцияларнинг давлатлар ташки сиёсатининг кўриниши сифатида қабул қилишади. Шу ўринда айтиш мумкинки, иккинчи йўналишдаги тадқиқотчилар фикрлари учун ушбу йўналишга оид олимларнинг фикрлари генетик асос бўлиши мумкин.

Қайд қилинган умумий қарашлардан кўриниб турибдики, геосиёсат услубий ва ўз объекти сиёсий географиядан фарқ қилсада, унинг амалиёти жамиятдаги географик омиллар ва сиёсат билан бевосита боғланган. Аниқроғи, геосиёсат ўз амалиётида қуйидаги *икки* кўринишдаги географик ҳолатларни, яъни доимий ва ўзгарувчан географик омилларни ҳисобга олади.

Доимий географик омилларга давлат ёки минтақанинг ҳудудий жойлашуви, чегарасининг шакли ва кўлами (нисбатан), иқлими, рельефи, флора ва фаунаси ва шу кабилар киради. Ўзгарувчан географик омиллар эса минтақа ёки давлатнинг аҳолиси, фойдали қазилмалари, сиёсий маданияти ва ижтимоий тузилишларини назарда тутади.

Умуман борлиқдаги асосий геосиёсий омиллар қуйидаги кўринишларда намоён бўлади:

- сиёсий (давлатнинг сиёсий тузилиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари, давлатдаги ижтимоий қатламлар, давлатнинг чегаралари)

- географик (борлиқда жойлашув ҳолати, табиий ресурслари, фауна ва флора дунёси ва иқтисодий (аҳолининг турмуш даражаси, ишлаб чиқарувчи кучлар кудрати, тузилиши ва маданий (миллий анъаналар, маданий кадриятлар фан ва таълим тараққиёти даражаси ва демографик (аҳоли таркиби ва жойлашуви, аҳолини ўсиш даражаси ва ҳарбий (қуролли кучларининг кудрати ва ҳарбий тайёргарлиги, ҳарбий мутахассисларни тайёрлаш даражаси ва экологик (аҳолининг давлатлар ва минтақалар табиий ресурсларининг чегара муносабати, хом—ашё захираларининг камайиши ва геосиёсат ўз қамрови жиҳатидан кўп киррали ва жуда кенгдир. Замонавий геосиёсат мундарижаси жаҳон сиёсати, ҳокимият муаммоси ва жамиятдаги устувор мафкуралар омиллари билан бевосита боғлиқ. Бу жиҳатдан геосиёсатга — геосиёсат жамиятдаги бошқарув муаммоларини тадқиқ этадиган фан деб таъриф бериш мумкин. Бундан ташқари, геосиёсат фан сифатида бир қатор мустақил фан ва фан соҳаларининг хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган. Булар - география, сиёсатшунослик, тарих, этнография, диншунослик, экология, мафкуралар тарихи, социология, ҳарбий билимлар назарияси ва амалиёти, демография ва бошқалар. Кўриниб

турибдики, геосиёсат шунчаки бир фан эмас, балки кўплаб фанларга хос хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган тармоқлараро фан тизимидир.

Қайд қилинган мулоҳазалар асосида геосиёсатга қуйидаги таърифни бериш мумкин: геосиёсат — давлатнинг стратегия цудратига таъсир этувчи географик, тарихий, сиёсий ва бошқа ўзаро боғлиқ булган омилларни биргаликда курувчи ва тадқиқ этувчи тармоқлараро фандир.

Бугунги халқаро муносабатларда кечаётган жараёнларни ўрганиш ва уларни таҳлил этишдаги назарий — услубий ёндашувлар ўтган даврлардаги ёндашувлардан маълум даражада фарқ қилади. Негаки, замонавий илмий муҳит жаҳон тараққиётининг мураккаб муаммоларини ўзида жорий қилган "ўтиш даври" билан рўбарў келиб турибди. Унинг устига "совуқ уруш"дан кейин жаҳон сиёсатига таъсирини курсатаётган геосиёсий ўзгаришлар тўлқини янги бир босқичга кўтарилди. Бир қатор давлатларда сиёсий тузумлар тубдан ўзгарди; давлатларнинг ва иттифоқдош давлатларнинг географик чегаралари янгидан шаклланиб, бу жараён маълум маънода яна давом этмоқда; интеграция жараёнларини дезинтеграция алоқалари қамраб олди ёки аксинча. Умуман, халқаро муносабатлар тизими тез ўзгариб турибди.

## **1.2. Халқаро муносабатлар тизимида замонавий геосиёсат**

Халқаро муносабатларда кечаётган ва янгидан шаклланаётган бундай жараёнларни таҳлил этишда замонавий халқаро ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар назариясидаги назарий — таҳлилий ёндашувлар ожизлик қилмоқда. Бу жиҳатдан мавжуд муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш йўлларини топиш учун табиий равишда геосиёсатга зарурат тушмоқда. Чунки, юқорида қайд қилинган сиёсий жараёнлар ва шу сингари бошқа муаммолар бевосита геосиёсат фанининг объекти ва предмети ҳисобланади.

Геосиёсат объекти — *дунёнинг* геосиёсий тузилиши ва дунёвий тартибот.

Геосиёсат объекти жаҳоннинг геосиёсий харитаси туриши биринчи навбатда, дунёнинг кўп қутбли дунёга ажралиши билан ва халқаро муносабатларнинг янги бир трансформация — давлатларнинг ўз таъсир доиралари учун кураш босқичига кўтарилиши билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, жамиятда кўп қиррали глобал дунёвий сиёсат тушунчасининг шаклланиши билан ҳам боғлиқдир. Мазкур масалалар геосиёсат объекти яхлит ҳолатда туриши мумкин, бироқ геосиёсат уларни таҳлилий жиҳатдан ўрганишни бир қатор босқичларда кўради. Масалан, замонавий геосиёсат дунёнинг сиёсий харитасида кечаётган жараёнларни умумбашарий, минтақавий ва маълум бир давлатнинг ўзигагина даҳлдорлигидан келиб чиқиб таҳлил этади ва тегишли хулосаларни чиқаради.

Дунёвий сиёсат — халқаро ҳудуднинг асосий субъектлари ўртасидаги сиёсий фаолиятлар муаммоси; Халқаро сиёсат тузилиш жиҳатидан суверен, мустақил миллий давлатларнинг ташқи сиёсий фаолиятини; минтақавий давлатлараро ва жамоатчилик тузилмалари, гуруҳлари ва иттифоқдошлар



ўртасидаги алоқаларни ҳамда умумбашарий миқёсида БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар ва муассасалар фаолиятларини қамраб олади.

Геосиёсатнинг тарихий тараққиётига эътибор берсак, унинг предмети ҳам замонга мос тарзда такомиллашиб, ўзгариб борганлигига амин бўламиз. Чунки жамиятдаги геосиёсий жараёнлар мавжуд давлатлар манфаатлари билан боғлиқ бўлган реал воқеликни ўзида акс эттиради. Шу боисдан ҳар бир даврда геосиёсат предмети сифатида жамиятдаги устувор соҳалар ва халқаро сиёсатга даҳддор бўлган стратегик масалалар намоён бўлган.

Геосиёсат предмети — жамиятда кечаётган ҳар хил даражадаги ижтимоий — сиёсий жараёнлар, уларнинг юзага келиши, ҳаракатланиши ва ўзгариб боришини ўзида акс эттирувчи воқеалар ривожидир<sup>3</sup>.

Масалан, XX аср бошларидан геосиёсат предметининг бир элементи сифатида жамиятдаги иқтисодий жараёнлар намоён була бошлади. Илмий — техника революцияси эса жамиятнинг иқтисодий доирасини янги бир босқичга кўтарди. XX аср охирига келиб иқтисодий жараёнлар геосиёсат предметининг таркибий қисмига айланди. Айнан шу даврдан бошлаб дунёдаги сиёсий жараёнларга иқтисодиёт омилнинг таъсири сезиларли равишда шаклланди.

Халқаро иқтисодий жараёнлар нафақат технологик, балки ташкилий жиҳатдан ҳам такомиллаша бошлади. Иқтисодий жараёнларнинг умумбашарийлашуви халқаро савдо, давлатлараро муносабатларда инвестиция, капитал аҳамиятини кўрсата бошлади. Табиийки, бу ва буларга мансуб бўлган бошқа иқтисодий тармоқлар нафақат халқаро ҳаётда муҳим ўринга эга, балки уларнинг дунёвий сиёсатга таъсир этаётганлиги ҳам реал ҳақиқатдир.

Бундан ташқари, — замонавий геосиёсатнинг асосий муаммолари бўлиб келаётган куйидаги масалаларни геосиёсий тадқиқотларнинг предмети сифатида кўриш мумкин:

- илмий—техника революцияси ривожининг самараси бўлган ҳарбий-техникавий воситалар ва улар турларининг кўпайиб ва такомиллашиб бораётганлиги; ўз навбатида давлатларнинг ҳарбий-техника воситаларидан фойдаланиш, уларни ишлаб чиқариш ёки чиқармасликка нисбатан муносабатлари;

- давлатлар ва халқлар ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлаётган электрон алоқа воситаларининг биргина коммуникация воситаси эмас, уларнинг ҳарбий ва иқтисодий соҳаларга ҳам боғланади.

Геосиёсат фан сифатида жамият билан бевосита боғлангандир. У реал ҳаётдаги воқеа—ҳодисалар ва жараёнларнинг ўзаро алоқадорлигини ва уларнинг бир бирига боғлиқлигини ифодаловчи қонуниятларни ўзига қамраб олган. Бироқ, геосиёсат бор жараёнларни ўзида акс эттирибгина қолмай, уларга боғлиқли тарзда жамиятда муайян функцияларни ҳам бажаради.

Геосиёсатнинг асосий функциялари:

- гносеологик функция;

<sup>3</sup> Нартов Н.А. Геополитика. М., 2002. С. 64.

- прогноз қилиш функцияси
- бошқарув функцияси;
- мафкуравий функция.

Тўғри, қайд қилинган функциялар бошқа ижтимоий — сиёсий фанларга ҳам хос бўлиши мумкин. Бироқ мазкур функциялар геосиёсат фанида ўзига хос афзалликларга эга.

*Гносеологик функция.* Гносеология — билиш демакдир. Билиш назарияси борликни, унинг аниқ бир ҳолатлари, манбалари ва шакллари ўрганишга қаратилгандир. Аниқроқ айтадиган бўлсак, гносеологик функция давлатлар ва халқларнинг геосиёсий жойлашуви, турмуш тарзи ҳамда улар ҳаётининг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш билан боғлиқ. Албатта, гносеологик функция амалиётида геосиёсатнинг давлатлар ва халқлар турмушини ўрганишда қўллайдиган бир қатор услублари таққослаш, экстраполяция (нарс ва ҳодисанинг бир қисмини кузатиш асосида олинган хулосаларни унинг бошқа қисмига ёйиш ёки татбиқ этиш), эмпирик (тажриба қилиш) ва шулар сингари услубларининг ўрни каттадир.

*Прогноз қилиш функцияси.* Геосиёсатнинг прогноз қилиш функцияси бевосита гносеологик функция асосида шаклланади. Чунки ҳар бир муаммонинг келажагидан башорат қилиш учун ўша муаммо биринчи навбатда обдон ўрганилмоғи лозим. Объектда турган масаланинг қанчалик чуқур ўрганилганлик даражаси тадқиқотчи учун тегишли хулосаларни чиқариш ҳамда унинг келажақдаги кечмиши ҳақида ҳам муайян имконини беради. Прогноз қилиш функциясининг аҳамияти қачонки олиб борилаётган геосиёсий тадқиқотлар қуйидаги жиҳатларни ўзида намоён этсагина бўлади, яъни: муаммога — нисбатан билдирилган фикр — мулоҳазаларнинг қанчалик даражада илмий томондан исботланганлиги билан; билдирилган шарҳларнинг халқлар, давлат ва минтақаларнинг геосиёсий турмушига қанчалик даражада ўзгаришларни олиб келиши билан: башоратларнинг яқин ёки узоқ муддатга мўлжалланган.

Прогноз қилиш — сиёсий воқеаларнинг ривож ва кўринишлари, улар амалга оширилишининг муқобил йўллари ва муддатлари илмий асосланган мулоҳазаларни ишлаб чиқиш жараёнлари, уларнинг ўша воқеликлар шароитида амалга ошириш учун мўлжалланган<sup>1</sup>.

Прогноз қилиш функцияси бир қатор принципларга асосланади, яъни тартиблик, мувофиқлик, узлуксизлик, муқобиллик ва рентабеллик. Табиийки, ушбу принциплар жамиятнинг иқтисодий — сиёсий, ижтимоий — сиёсий, сиёсий — мафкуравий ва ҳарбий — сиёсий доираларини ўрганишда қўл келиши мумкин.

Бундан ташқари, амалий жиҳатдан геосиёсатнинг прогноз қилиш функцияси қуйидаги боскичлардан иборат:

- Прогноз қилишдан олдин;
- Маълумотларни йиғиш;
- Таянч андозаларни ишлаб чиқиш;

<sup>1</sup> Мирзаев А.Д. Геополитика нового шелкового пути. М., 2002. С. 84.

Қидирув моделларини танлаш;  
Белгиланган (норматив) моделларни амалиётга тадбиқ этиш;  
*Таҳлилнинг* аниқлиги ва ишончлилигини баҳолаш;  
Тавсияларни ишлаб чиқиш;

Борлиқдаги геосиёсий жараёнлар келажаги ва уларнинг қайта кўринишда ривожланишини олдиндан прогноз қилиш қанчалик мураккаб бўлмасин, прогноз қилиш функцияси тадқиқотчилар нигоҳидан четда қолаётгани йук. Балки унга қизиқишнинг ортиши орқасида геосиёсий тадқиқотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш мазмун ва маъно жиҳатидан такомиллашиб бормоқда.

*Бошқарув функцияси.* Жамиятдаги ҳар қандай жараёнларда бошқарув элементларини кўриш мумкин ёки ижтимоий жиҳатдан ҳам бошқарув элементларисиз кундалик ҳаётимизни тасаввур эта олмаймиз. Бошқарув янги —янги ахборотлар тизимига асосланади. Чунки бошқарувчи (ўз соҳаси ёки доирасида) барқарор фаолият олиб бориши учун ҳам (ўзига тегишли) информацияларга эҳтиёж сезиб боради. Жумладан геосиёсатнинг бошқарув функцияси ҳам шунга асосланган. Бошқа соҳалардан фарқли тарзда, геосиёсат бошқарувга тегишли қарорлар ва тавсияларни бериш учун доимий равишда мавжуд информацияларни (халқлар, давлатлар ва минтақалар ва б.) йиғиб боради ва таҳлил этади. Фақат шу асосдагина масалага нисбатан тегишли булган асосий хулосаларни чиқаради. Масалан, ҳар қандай жараёнларда бошқаришга оид қарорларни чиқариш учун муаммоли ҳолатни агрофлича таҳлил қилмоқ керак. Бу биринчидан. Иккинчидан, муаммога объектив баҳо бериш учун турли кучлар (субъектлар) ва омилларни ҳисобга олув лозим (сиёсий, иқтисодий, географик ва б.). Учинчидан, субъектларнинг воқеага таъсир этиш даражаларини ўрганиш керак.

Табийй геосиёсат бошқарув ҳақидаги, халқлар ва давлатлар турмушида бошқариш билан боғлиқ бўлган муаммоларни, уларнинг бошқаларга таъсир этиши ва уларни бартараф этишнинг йўл —йўриқларини, ўрганадиган фандир. Шундай экан, унинг жамиятдаги бошқарув функциясига ҳам куйидан юқорига қараб йўналтирилган ҳодиса сифатида қарамоқ керак<sup>1</sup>.

*Мафкуравий функция.* Мафкуравий функция геосиёсатнинг асосий функцияларидан бири ҳисобланади. Хўш, мафкуранинг ўзи нима?

Мафкуралар асосини маълум бир ғоялар ташкил этади. Ўзининг таъсир кучига эга бўлган фикрларсиз ғоялар шаклланмаганлиги сингари, ғояларсиз мафкуралар ҳам бўлмайди. Мафкура жамият, унинг тузилиши, энг асосийси, жамиятнинг умумий ривожланиш йўлларидаги муайян мажмуасидир. Тўғри, бу билимлар ижтимоий жиҳатдан одил ёки ноодил бўлиши табиий. Бироқ, геосиёсатни билимлар кимлар ёки қайси кучларнинг манфаатини ҳимоя қилиши масаласи қизиқтиради.

<sup>1</sup> Нартов Н.А. Геополитика. М., 2002. С. 76

### 1.3. Замоनावий геосиёсатга цивилизацияон ёндашув.

Классик геосиёсий концепцияларга эътибор берсангиз, улар ташқаридан бирор олим ёки сиёсатшуноснинг илмий қарашларидек кўринади. Концепцияларни чуқурроқ ўргансангиз унинг шунчаки илмий — назарий фикрлар эмас, жамиятдаги муайян гуруҳлар, халқлар ва давлатлар манфаатларини ифодалаган ғоялар мажмуаси — мафкуравий кўринишга эга эканлигига амин бўласиз. Масалан, инглиз тадқиқотчиси Х.Маккиндернинг «Хартланд» «Асосий ўлка» назариясини ёки немис олими Н.Хаусхофернинг концепцияси ва бошқа геосиёсий дастурларни олайлик. Мазкур назариялар шунчаки субъектлар фикрларни ифодалаган сиёсий қарашлар бўлганида эди, аллақачон сиёсий таълимотлар тарихига кирган буларди. Тўғри, улар геосиёсий билимлар тарихига мансуб. Бироқ уларнинг тузилиши, шаклланиши ва ривожланиши мафкуравий моҳиятга эга. Шунинг учун ҳам улар инсоният тарихий — эволюция тараққиётининг у ёки бу боскичида маълум бир кучлар, давлатлар манфаати билан уйғунлашиши мумкин. Аниқроғи, давлатлар ўз ташқи сиёсий фаолияти асосларини ишлаб чиқишда ва уни амалиётга гадбиқ этишда геосиёсий концепцияларга мурожаат қилишади.

Геосиёсатнинг мафкуравий функцияси ҳақида гапирганда жамиятдаги мафкураларнинг хилма — хил шаклларда бўлишини ҳам унутмаслигимиз керак. Чунки биз ўша мафкураларга унинг қандай шаклга эгалигидан, хусусиятларидан келиб чиқиб баҳо берамиз. Бу жиҳатдан мафкураларнинг кўйидаги хусусиятларга эга бўлишларини айтишимиз мумкин: мафкура асосида турган ғояларнинг илмий ва ноилмийлиги; кўзланган мақсадларнинг реал ва утопик бўлиши; консерватив ва либерал тамойилларга эгалиги.

Мафкуралар қандай кўриниш ва шаклларда бўлмасин, улар асосида умумий инсоний қадриятлар ва демократик тамойилларнинг туриши халқлар ва давлатлар турмуши билан боғлиқ бўлган геосиёсий жараёнларда қарама — қаршилиқлар, конфликтлар ўрнига консенсуснинг шаклланиши ва ривожланиши учун қулай имкониятларни яратади<sup>1</sup>.

Цивилизациянинг ҳал қилувчи белгиси инсон ва жамиятнинг моддий-маънавий ва бадий соҳалардаги ўзгартирувчанлик фаолиятидир.

Цивилизация тушунчаси аксарият ҳолларда инсон ўзгартирувчилик фаолиятининг яқунларини ўзида акс эттиради.

Ҳозирги даврда баъзи манбаларда цивилизациянинг ижтимоий-иқтисодий формациялар тушунчаларига ўзаро қарама-қарши кўйиш ҳоллари учрайди. Аслида бу тушунчаларни ўз ўрнида ишлатиш лозим.

Кишилиқ жамияти ривожланишини англатадиган ижтимоий-иқтисодий формацияни цивилизация билан тенглаштириш ҳам, унга қарама-қарши кўйиш ҳам тўғри келмайди.

Цивилизация — лотин тилида фуқароликка, давлатга тааллуқли деган маънони англатади.

<sup>1</sup> Гаджиев К.С. Введение в геополитику. М., 2001. С. 68

Кадимги Римнинг сўнгги даврларида "Маданият" тушунчаси ижтимоий ҳаётнинг шаҳар турмуш тарзини ифодаловчи мазмунлар билан бойиган. Ўрта асрларга келиб кенг тарқалган.

Ўрта аср маданиятининг Ўрта Осиёлик намоёндалари – Фаробий, Ибн Сино, Берунийлар шаҳар турмуш тарзини жамиятнинг етуклилик шакли сифатида талқин қилганлар.

Масалан, Фаробийнинг фикрича, "ҳар бир инсон табиатига кўра, олий даражадаги етукликка эришиш учун интилади". Бундай етукликка фақат шаҳар жамоаси орқали эришилади.

Унинг таъкидлашича, маданий жамият ва маданий шаҳар шундай бўладики, унда ҳар бир одам касб-ҳунардан озод, ҳамма баробар, кишилар ўртасида фарқ бўлмайди. Кишилар чин маънода озод яшайдилар. Кейинчалик цивилизация моддий маданият тушунчасини англата бошлади ёки варварликдан кейинги тараққиёт босқичини ифодалади.

#### **Назорат саволлари:**

1. Н.Спайкмен фаолияти.
2. К.Хаусхофер назарияси.
3. Атлантизм.

#### **Фойдаланилган адабиётлар :**

1. Гаджиев К.С. Введение в геополитику. М., 2001
2. Нартов Н.А. Геополитика. М., 2002
3. Сафоев С.С. Марказий Осиёдаги геосиёсат. Т., 2005
4. Савицкий Л.Н. Континент Евразия. М. 1997.
5. Сорокин К.Э. Геополитика современности и геостратегия России. М., 1996.

## **2-мавзу ГЕОСИЁСАТДА ХАРТЛЕНД ВА РИМЛАНД ТУШУНЧАСИ ТАҲЛИЛИ.**

### ***РЕЖА:***

- 2.1. *Хартленд назариясининг тарихий илдизлари.*
- 2.2. *Римланд тушунчаси.*
- 2.3. *Замонавий геосиёсатда Римланд ва Хартленд тушунчасига янгича ёндашув.*

**Таянч иборалар:** *Дунё географияси аҳолиси. Биринчи ҳудудларининг ўзлаштирилиши. Хартленд муаммоси. "Дунёнинг юраги" тушунчаси ва унга*

нисбатан “атлантислар” ёндашуви. Иқтисод ва социал институтлар долзарб жиҳатлари. Римланд маданияти. хартлендга нисбатан илмий ёндашув. Хартленд ва Римланднинг ўзига хос хусусиятлари.

## 2.1. Хартленд назариясининг тарихий илдизлари

Петр Николаевич Савицкий (1895-1968). Биринчи рус геосиёсатчиси. Машхур асарлари: «Дашт ва ўтроқлик» (1922), «Россия — Евросиёнинг географик таҳлили» (1926), «Евросиёнинг географик ва геосиёсий асослари» (1933).

П.Савицкий геосиёсий қарашларида Россиянинг географик жойлашувига катта эътибор берилган; Тадқиқотчининг фикрича, Россия жаҳон сиёсий харитасида жойлашуви жиҳатидан цивилизация шаклига эга. Давлат нафақат географик қулай маконда жойлашган, балки унинг ҳудудлари жаҳон геосиёсий майдонида «ўрталик» маконни ташкил этади.

Тўғри, классик геосиёсатда «ўрталик» давлат сифатида Германия қайд килинган. Бироқ, П.Савицкий Германияни Евросиёга нисбатан «ўрталик» давлат сифатида тан олмайди. Чунки Европа Евросиё эмас, балки Европа Евросиёнинг «ғарбий бурни» холос. Россия эса Евросиёнинг бутун марказий ва таркибий қисмини ташкил этади<sup>1</sup>.

П.Савицкий Россияга миллий давлат сифатида қарамайди У Россияга геосиёсий омиллардан келиб чиқиб муносабат билдиради ва уни биринчи навбатда геосиёсий куч деб билади. Россия орий — славян маданияти, турк кўчманчилик ва православ анъаналарини мужассамлаштирган ўзига хос цивилизация эканлигини ва мазкур маданиятлар «ўрталик» маконда жаҳон Бу жиҳатдан унинг *Турон концепциясига* тўхталмоқ ўринлидир.

П.Савицкий ижодининг таркибий қисми яна бир концепция — «ривожланиш ўчоғи» концепцияси билан боғлиқ. «Ривожланиш ўчоғи» — бу Россия — Евросиё.

П.Савицкий геосиёсий қарашларида «Евросиё», «Турон», «Ривожланиш ўчоғи» назарияларидан ташқари, «идеократия» принципи ҳам алоҳида ўринга эга. Идеократия ҳам бошқа геосиёсий дастурлар сингари «куч» тушунчасини ўзида мужассам этади. П.Савицкийнинг Идеократия назарияси куч — давлатдаги сиёсий тузилишга бағишланган. Идеократия шундай принципки, унда давлат бошқарувида прагматик ёндашув ёки маданий ва тижорат омиллари асосий ўрин эгалламаслиги керак. Умуман П.Савицкий қарашлари Россия — Евросиё ғоясини илгари сурганлиги ёки Россияни «тараққиёт ўзаги» сифатида тавсифлагани учун эмас, халқаро миқёсда амалий тижорат муносабатларини ҳам маъқулламаганлиги билан Х.Маккиндер, А.Мэхэн, Н.Спикмен ва бошқа классик геосиёсатшунослар тафаккурига қарама-қаршидир.

Геосиёсий концепцияларни таҳлил этишда уларни бир — биридан ажралган ҳолда ўрганиш ноўрин. Геосиёсий концепцияларни яхлит ҳолда ўрганиш фандаги назарий — услубий ёндашувларни чигаллаштирмасдан,

<sup>1</sup> Дугин А. Основы геополитики. М., 1997. С. 122

балки мавжуд концепциялар назарда тутган таркибий қисмлар — геомафкуравий омилларга эътибор беришни тақозо этади.

Геосиёсатда географик омиллар катта аҳамиятга эга бўлиб, кўламига кўра у давлатларнинг табиий иқлими, географик жойлашуви, рельефи, худуди, фауна ва флораси ҳамда цивилизация ва сиёсий (миллат ёки миллатларнинг жамиятда тутган ўрни) тузумини ўзига қамраб олади. Географик омил жаҳон куч марказлари ўртасидаги муносабатларда миллатнинг мавқеини тавсифлаб берувчи дастлабки табиий воситадир<sup>1</sup>.

Давлатлар, у ерда истиқомат қилаётган миллатларни "денгиз" ёки "куруқликка" оид деб ажратиш жамиятда қайси соҳада бўлмасин қарама — қаршилиқлар, конфликтлар доирасини кенгайтиради, ҳолос. Колаверса, бундай дихтомия учинчи минг йиллик илмий — назарий ва геосиёсий қарашлари тизимида жўнгина утопик таърифдан бошқа нарса эмас.

Дунёнинг кўп қутбли эканлиги ҳақидаги баҳслар XX аср 60 — йилларидан бошланган бўлсада, концепция "совуқ уруш" тугагандан кейин нафақат назарий жиҳатдан, балки амалиётда ҳам кўпчиликнинг эътиборини тортиб систематик таълимот тарзда шаклланди.

## 2.2. Римланд тушунчаси

*Фридрих* Ратцелни гарчи "геосиёсат" атамасини асарларида ишлатмаса ҳам, биринчилардан булиб геосиёсий услубда фикр юритганлиги учун геосиёсат фанининг отаси деса булади. "Римланд"-ички ярим ой ҳисобланиб Хардланддан ташқариба уни қамраб туради. У ўз асарларида сиёсий географиядан баҳс этади ва бу борадаги асосий илмий иши ҳам *сиёсий география* (1897) деб номланади. Унинг таъкидлашича, ҳар қандай халқнинг манфаатлари замин устида кечади. Шу боис заминда жойлашган маълум бир худудлар тарих ҳаракатини кўрсатувчи бош восита саналади. Давлатлар муайян худудлар кўринишида заминда акс этади. Замин абадий булиши мумкин, худудлар (давлатларнинг) ўзгариб туради. "Давлатлар мисоли тирик организм" бўлиб уларнинг ўзаги "замини асосда бир-бири билан туташади.

Давлатларнинг заминда пайдо бўлиши учта асосий омил билан боғлиқ. Булар — худудий рельеф, худудий масштаб ва муайян турмуш тарзга эга халқлар. Шу асосда, яъни объектив географик макон ва субъектив умуминсоний кадриятларни узида акс эттирган давлат сиёсати шаклланади. "Меъёрий асосдаги" давлат бўлиш учун, - дейди Ф.Ратцель, аввало давлатда географик, демографик ва этномаданий параметрлар ўзаро уйғунлашмоғи керак".

"Давлатни қайси жиҳатдан тадқиқ этмайлик, барибир субъектив ёндашувимиз йўналиши объектимизнинг асоси — заминга бориб тақалади. Бундан ойдинлашадики, давлатни ўрганишдаги муҳим параметр — географик нуқтаи назардан тадқиқ этиш экан, Тарихдан маълумки, давлатлар учун унинг маконий муҳити муҳим ҳисобланади. Давлатларни ўрганишда, уларни бир-бири билан киёсий таққослашда, улар ўртасидаги

<sup>1</sup> Дугин А. Основы геополитики. М., 1997. С. 122.

муносабатларни таҳлил этишда ва шу каби муаммоларда географияга эҳтиёж сезилади. Бироқ унутмаслик керакки, борликда (маълум бир даврда мавжуд булган — Б.Х.) давлатлар йўқ бўлиб кетиб, уларнинг худудларида янги бир давлатчилик тизими пайдо булиши мумкин. Бу табиий географиянинг юқори нуқтаси бўлган экспансион (босиб олиш) муҳитининг шаклланганлигидан далолат беради", — деб ёзади Ф.Ратцель.

Бундай "органицистик" мулоҳазалардан ойдинлашадики, давлатларнинг босиб олиш сиёсатини юргизишлари (вақти билан) "давлат—тирик организм" учун табиий жараён дир.

Ф.Ратцель мулоҳазалари бўйича "давлат—тирик организм"нинг шаклланиши кичик сиёсий тузилмаларни ўзига сингдириши ҳисобига бўлади. Унинг чегаралари эса "давлат — тирик организм"нинг периферия (атрофига туташ ерлар) си функцияси вазифасини бажаради. Давлатлар ўсиш тенденциясининг табиий борлик ичига яширинганлигини таъкидлаб, давлатлараро муносабатларни Ф.Ратцель факат қарама-қаршилик, конфликт ёки ҳарбий тўқнашувлар асосида қарайди. Бундай муносабатлар амалиётида "давлатнинг кучсизланиши ёки тобора заифлашуви унинг маконий ҳис қилиши натижасидир".

Ф.Ратцель давлатларнинг маконий жиҳатдан усишининг еттита принципини ишлаб чиққан:

- ҳар қандай макон ўша жойда истиқомат қилаётган миллатлар маданиятининг ўсиши билан биргаликда кенгайиб боради;

- давлатдаги ғоявий бирлик, савдо тармоқлари ва фаол ҳаракатлар ҳамда нечоғли «тортиш кучи»га эгаллиги давлат кудратининг ўсишига улушини кўшади;

- давлатнинг ўсиши бошқа давлатларни ўзига кўшиб олиш ва буйсундириш эвазига бўлиши мумкин;

- чегара — давлат ўсиш даражасининг кучга кодир ёки қодир эмаслигини кўрсатувчи чекка сарҳад ҳисобланади. Шундай экан, ҳар бир давлатда марказ билан чегара ўртасида мунтазам алоқа боғланиб туриши лозим. Улар ўртасида мувозанат давлат майдонининг мустаҳкамлик даражасини кўрсатади;

- давлат ўсиш асосида муҳим аҳамиятга эга бўлган омиллар: физик — географик муҳитга, киргорий чизиқларга, дарёлар ўзанига, табиий ресурсларга бой районларга катта эътибор беради;

- нисбатан ибтидоий турмуш тарзга эга булган давлатларга ўсиш ташқаридан, цивилизация даражаси юқори давлатлардан келади;

- ижтимоий жиҳатдан худудларнинг доимий ўсиб бориши давлатлардан давлатларга ўтади ва бу қонуният.

Агар халқаро муносабатлар тарихига назар ташласак, Ф.Ратцель «қонун» ларининг амалиётда акс этганлигига амин бўламиз. Бунга XIX аср охирларида жаҳон сиёсий харитасида ҳокимият ва бойликларни қўлга киритиш учун етакчи давлатларнинг ҳарбий — сиёсий ҳаракатларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.



Ф.Ратцелнинг этнос ва борлиқ ўртасидаги муносабатларга нисбатан билдирган фикрни *"Сиёсий география"*нинг куйидаги фрагментида кўриш мумкин: "Давлат Ер юзининг маълум бир нуқтасида ҳаракатланаётган организмдир. Унинг ривожланиш тавсифини у ерда яшаётган халқлар ва ўша заминнинг қандай тавсифланишидан қидирмоқ керак. Халқнинг қандай турмуш тарзда кун кечириши борлиқнинг (давлатнинг) географик жойлашуви ва чегараларининг қай ҳолатдалигига кўпроқ борлиқ... Агар халқ, ўз худудида ўзини яхши ҳис қилса, ўша борлиқ (давлат) тавсифи ижобийдир".

Умуман Ф.Ратцелнинг геосиёсий қарашларида етакчи ўринда туради. Шунинг учун борлиқ унинг тадқиқотларида янги, муҳим моддий категориялар билан боғланади, яъни "Ҳаётинг доира" ҳаётинг борлиқ" ва "геобиомухит". Мана шу атамаларни назарий — амалий асослаш асосида Ф.Ратцелнинг бошқа икки муҳим — "маконий ҳиссиёт" ва "Ҳаётинг энергия» деган илмий тушунчалари юзага келган. қайд қилинган атамалар маъно жиҳатидан бир-бирига яқин ва узвий борланган бўлиб, халқлар ва давлатлар тарихининг географик кенгликда сиёсий тусда намоён бўлишидан баҳс этади.

Ушбу категориялар геосиёсатнинг дастлабки асосий принциплари бўлиб, кейинчалик ўзига хос тарзда Ф.Ратцелнинг издошлари томонидан янги кўринишларда ижодий ёндашувлар орқали давом эттирилган. Қолаверса, Ф.Ратцелнинг давлатга нисбатан уни борлиқдаги "тирик организм" сифатида берган баҳоси ҳозир ҳам геосиёсат услубияти объектининг асосий мазмуни эканлигини ва ўзининг долзарб аҳамиятга эга эканлигини йўқотгани йук.

Ф.Ратцель учун давлатлар ва халқлар тарихида ва уларнинг борлиқдаги муносабатларини ижтимоий жиҳатдан айнан бир ҳилликда тушуниш муаммосини концептуал асосда қуриш муҳим бўлган. Шунинг учун ҳам унинг ижоди нафақат Европа, балки бошқа минтақаларга ҳам ёйилиб бўлғуси геосиёсий қарашларнинг шаклланишларига пойдевор бўлди (Р.Челлен, Э.Семплъ ва б.). Қолаверса, геосиёсат ҳеч қачон нацизм (миллатчилик) мафқураси билан бир вақтда эмас, балки бир қадар олдинроқ юзага келган.

### **2.3. Замонавий геосиёсатда Римланд ва хартленд тушунчасига янгича ёндашув.**

Миллий ҳамда минтақавий хавфсизлик ёки умуман хавфсизлик ҳодисаси илмий муаммо сифатида Ўзбекистонда фақат мустақилликка эришилгандан кейин ўрганила бошланди. Маълумки, ҳар бир давлат мустақил ривожланиш йўлига қадам қўяр экан ўз миллий манфаатлари тизимини аниқ белгилаб олиши, миллий хавфсизликни таъминлашнинг энг асосий тамойиллари ҳамда устувор йўналишларини ишлаб чиқиши зарур. Бунинг учун миллий ёки минтақавий хавфсизлик қандай тамойилларга асосланишини чуқур ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Хавфсизлик ҳодисасини геосиёсий асосда тадқиқ қилиш Ўзбекистонда илгари

бўлмаганлиги туфайли етакчи давлатларда бу борада олиб борилган изланишларга таянишга тўғри келади<sup>1</sup>.

Маълумки, миллий манфаат, миллий хавфсизлик мавзуси собиқ иттифоқнинг марказий қисмидаги махсус тадқиқот марказларида тегишли мутахассислар томонидан ўрганилган. Барча иттифоқдош республикаларда бўлгани сингари Ўзбекистонда ҳам ижтимоий-сиёсий соҳадаги олимларнинг хавфсизлик масалаларига бўлган илмий қизиқиши қатъий чекланган эди. Бунга сабаб иттифоқдош республикаларнинг миллий манфаатлари ягона миллат манфаатларига бўйсундирилган бўлиб, ҳар бир миллатнинг ўз миллий манфаатлари бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикр қаттиқ таъкиб этилган. Бундай ҳатти-ҳаракат коммунистик мафкурага қарши чиқиш, айирмачилик, халқ душманлиги ва ҳақозо тамғалар билан аёвсиз қораланган. Илмий жамоатчилик учун миллий хавфсизлик ва миллий манфаат мавзулари ёпиқ мавзу бўлиб, тадқиқотчилар ўз миллий манфаатларини четлаган ҳолда иттифоқ манфаатини миллий манфаат сифатида тан олгани ва улуғлагани учун илмий даражага эга бўлган. Бир сўз билан айтганда ўз миллий манфаатларини қанчалик англаган бўлмасин, олимлар ва тадқиқотчилар бошқа йўналишларда илмий изланишлар олиб боришга мажбур бўлганлар.

Иттифоқнинг парчаланиши оқибатида дунё ҳаритасида Марказий Осиё минтақаси географик, сиёсий ҳамда иқтисодий бирлик сифатида қайтадан намоён бўлди. Бу пайтда бир томондан миллий давлатчилик шаклларида ривожланиши кузатилаётган бўлса, иккинчи томондан Марказий Осиёнинг умумий геосиёсий мавқеи, унинг геоиқтисодий салоҳияти мавзуси пайдо бўлди. Минтақага етакчи кучларнинг қизиқиши кучайди. Бундай вазиятда минтақада илгаридан манфаатлари бўлган ҳамда бу ерда янгидан иқтисодий манфаат шаклланаётган етакчи кучлар Марказий Осиёни сиёсий жиҳатдан бирликда кўришдан манфаатдор эмаслиги геосиёсий қоидалар призмаси орқали таҳлил қилинганда яққол намоён бўлади. Шу нуқтаи-назардан минтақавий хавфсизлик ҳодисаси фақат геосиёсий қоидалар ва жараёнлар контекстида тадқиқ қилиниши мақсадга мувофиқдир. Зеро етакчи кучлар у ёки бу минтақага кириб борар экан, аввало геосиёсий ва геоиқтисодий мақсадлардан келиб чиқиши табиий. Масалан мустақиллика эришган Марказий Осиё республикалари табиий захираларга ғоятда бой мамлакатлар ҳисобланадилар. Ушбу бойликларни жаҳон бозорига олиб чиқиш учун етакчи давлатлар ўртасида рақобат бошланганлигини гувоҳи бўлмоқдамиз. Бу жараёнда минтақадаги республикалар ўртасида мавжуд бўлган барча зиддиятли омиллар ишга солиниши мумкин<sup>1</sup>. Маълумки, Марказий Осиё республикалари бир нечта масалалар бўйича ўзаро қарама-қарши позицияларга эга. Ушбу омилларнинг зарур пайтда ташқи кучлар томонидан ишга солиниши ва бунинг учун минтақа республикаларида турли гуруҳлар шакллантирилиши ҳам бугунги кунда сир эмас.

<sup>1</sup> Дугин А. Основы геополитики. М., 1997. С. 98

<sup>1</sup> Савицкий Л.Н. Континент Евразия. М. 1997. С. 112.

Минтақавий хавфсизлик мавзуси Марказий Осиё каби полиэтник хусусиятга эга, миллий чегаралар, сув тақсимооти каби нозик масалаларда ўзаро зиддиятли позицияда бўлган республикалар учун жуда муҳим ва долзарб мавзу ҳисобланади. Бу мавзунинг тадқиқ қилиниши нафақат назарий, балки кўпроқ амалий аҳамиятга эгадир.

Минтақавий хавфсизлик тизимини яратиш кейинги ўн йилликдаги энг муҳим мавзулардан бири бўлиб қолди. Ушбу мавзу нафақат назарий, балки кўпроқ амалий аҳамиятга эга эканлиги халқаро муносабатларда унинг долзарблигини янада кучайтиради. Чунки шўро тизими ҳамда Варшава шартномасининг парчаланиши оқибатида Евроосиё қитъасида кўплаб янги давлатларнинг пайдо бўлиши, ер юзидаги энг улкан қитъада кучларнинг стратегик мувозанатининг қайтадан тақсимланишини тақозо этди. Россия улкан худудини сақлаб қолган бўлсада, қудратли салтанатдан минтақавий даражадаги давлатга айланди ва бугунги кунда ўзининг илгариги қудратини тиклашга уринмоқда.

Хитойнинг нафақат ҳарбий балки иқтисодий қудрати ҳам кескин кучайиб кетди. АҚШнинг Евроосиё қитъаси атрофидаги таъсир доираси йилдан-йилга кенгайиб борди. Нафақат қитъада, балки бутун ер юзида стратегик мувозанатнинг қайтадан ўрнатилиши бир неча йилларга ҳатто бир неча ўн йилликларга чўзилиши мумкин. Бу жараёнда Кавказ ёки Марказий Осиё каби минтақалар у ёки бу куч ёки кучлар бирлигининг гравитацион майдони доирасига тортилиб бориши табиий. Марказий Осиё минтақаси ҳам турли кучлар билан жадал геосиёсий таъсирлашувга киради ва ўз ўзидан у ёки бу қудрат атрофида ягона географик ва сиёсий бирлик шаклида ёки алоҳида алоҳида ҳолда бирлашади. Акс ҳолда Марказий Осиё республикалари ўзаро бирлашган ҳолда алоҳида сиёсий ва иқтисодий қудрат барпо этишлари керак бўлади. Бунинг учун эса аввало минтақавий хавфсизлик тизимини барпо этиш талаб этилади.

#### **Назорат саволлари:**

1. Евроосиё цивилизациясининг ривожланиш назариялари.
2. Рус тарихи геосиёсат концепциялари.
3. Пассионарлик назарияси.
4. Собиқ Совет Иттифоқи парчаланиши натижалари.
5. Россия келажаги.
6. Россияни Янги геополитик сифати.

#### **Фойдаланилган адабиётлар :**

6. Савицкий Л.Н. Континент Евразия. М. 1997.

7. Сорокин К.Э. Геополитика современности и геостратегия России. М., 1996.
8. Тихонравов Ю.В. Геополитика. М., 2000.
9. Дугин А. Основы геополитики. М., 1997
10. Толипов Ф. Большая стратегия Узбекистана в контексте геополитической и идеологической трансформации центральной Азии. Т., 2005.

### **3-мавзу: ГЕОСИЁСАТДА ЕВРООСИЁЧИЛИК ҒОЯСИДАГИ АСОСИЙ МУАММОЛАР.**

#### **РЕЖА:**

- 3.1. *Евроосиёчиликнинг геосиёсий ғоялари*
- 3.2. *Евроосиё геостратегияси.*
- 3.3. *Россия ва Қозоғистон геосиёсати ва Евроосиёчилик*

**Таянч иборалар:** *Жаҳон геосиёсатида замонавий ривожланишни тушуниш учун уларни назарий-услубий асосларини чуқур ўрганиш зарур. Геосиёсат сиёсатдаги ҳудудий, демографик, ҳарбий ва бошқа факторларни ўзаро алоқаларини кўриб чиқадилар. Айниқса Евроосиёчиликда ҳартленд омили этиборга сазовордир.*

*Ушбу фан талабаларда жаҳон тарихининг долзарб масалалари бўйича бутун бир билимлар мажмуининг тўпланишига ва геосиёсий йўналишлар ҳақида тушунчаларнинг шаклланишига кўмак беради.*

*Хартланд шундай бир геосиёсий принцип бўлиб, унинг моҳияти теллуократия ва талассократия ўртасидаги геосиёсий чегара ҳудудларни англатади ва уни кўрсатиб беради.*

*Тўғри, халқаро муносабатлар тарихида маконан «ёйсимон»га мансуб давлатлар узларининг ҳарбий — дипломатик ёки босқинчилик юришларида талассократия ёки теллуократиянинг ҳудудларига кириб боришган.*

#### **3.1 Евроосиёчиликнинг геосиёсий ғоялари**

Геосиёсий тадқиқотларга кўра Евроосиёда кечаётган барча геосиёсий жараёнлар тарихан шаклланган қатъий қонуният асосида қитъанинг марказига интилишга қаратилган. Бунга биринчи жаҳон ва иккинчи жаҳон урушлари яққол мисолдир. Бундан ташқари, кейинги жаҳон урушидан сўнг авжига чикқан курулланиш пойгаси ҳам геосиёсий тадқиқотларда акс этган ер юзида минг йиллардан давом этиб келаётган икки куч қарама-қаршилигини ифода этади. Кенг маънода «хартланд» ва «римланд» ўртасида зиддият, бошқача айтганда ер юрагига интилиш бугунги кунда ҳам юз йиллардан бери давом этиб келаётган геосиёсий жараёнларни белгилаб бермоқда. Бу жараёнлар геосиёсатчи олимлар томонидан чуқур илмий тадқиқотлар орқали ўрганилган ва айнан ушбу

изланишлар кўпгина ҳарбий ҳаракатларининг назарий асоси бўлиб хизмат қилган. Ер юзидаги энг қудратли давлатлар айнан геосиёсий тадқиқотлар асосида ўз ташқи стратегиясини қуришган, ташқи сиёсат борасида муҳим қарорлар айнан геосиёсатчиларнинг қатъий маслаҳатларига таянган ҳолда амалга оширилган. Буни Британияда ўн тўққизинчи аср охири ва йигирманчи аср бошларида яшаб ўтган Хэлфорд Маккиндер ҳамда ўтган асрнинг сўнги чорагида алоҳида шов-шувга сабаб бўлган геосиёсатчи олимлар С.Хантингтон, Ф.Фукуяма ёки З.Бжежинскийлар мисолида яққол кузатиш мумкин.

Марказий Осиёнинг геосиёсий аҳамияти ва унинг хавфсизлиги тўғрисида ҳам даставвал исмлари қайд этилган хорижлик мутахассислар ва геосиёсатчилар атрофлича фикр билдиришган. Чунки Марказий Осиё китъадаги энг йирик кучлар, жумладан Россия, Хитой, Ҳиндистон ва Эроннинг ўртасида жойлашганлиги туфайли унинг турли манфаатлар тугунида эканлигини бирдиради. Минтақавий хавфсизлик тўғрисидаги ҳар қандай тадқиқот айнан геосиёсий нуқтаи-назардан қўлга олиниши, минтақанинг турли геосиёсий кучлар ҳамда марказлар ўртасида жойлашганлигидан келиб чиқилиши керак бўлади. Бунинг учун эса аввало геосиёсий фаннинг туб моҳиятини англаш ҳамда минтақавий хавфсизлик тизимини шу фанга тегишли қоидалар асосида қуриш мақсадга мувофиқдир<sup>1</sup>.

Сиёсий фанлардаги муҳим йўналишлардан бири бўлган геосиёсатнинг халқаро муносабатларда, айниқса давлатлар ўртасида стратегик мувозанатни сақлашдаги амалий аҳамияти ўтган асрда кўпроқ намоён бўлди. Лекин шунга қарамасдан ҳозирга қадар геосиёсатни илмий йўналиш сифатида легитимлаш масаласи охиригача ҳал этилгани йўқ. Бунинг ўзига хос об'ектив ва суб'ектив сабаблари бор. Шунга қарамасдан геосиёсат, халқаро муносабатларда муҳим ўрин эгаллаётганлигини ҳеч ким инкор эта олмайди ва шу туфайли унинг туб моҳиятини тадқиқ этиш, Марказий Осиё атрофида кейинги йилларда рўй бераётган геосиёсий жараёнларни англаш нуқтаи-назаридан айниқса муҳимдир.

### 3.2. Евроосиё геостратегияси

П.Савицкий ижодининг таркибий қисми яна бир концепция — «ривожланиш ўчоғи» концепцияси билан боғлиқ. «Ривожланиш ўчоғи» — бу Россия — Евросиё.

П.Савицкий геосиёсий қарашларида «Евросиё», «Турон», «Ривожланиш ўчоғи» назарияларидан ташқари, «идеократия» принципи ҳам алоҳида ўринга эга. Идеократия ҳам бошқа геосиёсий дастурлар сингари «куч» тушунчасини ўзида мужассам этади. П.Савицкийнинг Идеократия назарияси куч — давлатдаги сиёсий тузилишга бағишланган. Идеократия шундай принципки, унда давлат бошқарувида прагматик ёндашув ёки маданий ва тижорат омиллари асосий ўрин эгалламаслиги керак. Умуман П.Савицкий қарашлари Россия — Евросиё ғоясини илгари сурганлиги ёки Россияни «таракқиёт ўзаги» сифатида тавсифлагани учун эмас, ҳалқаро миқёсда амалий тижорат муносабатларини ҳам маъқулламаганлиги билан

<sup>1</sup> Савицкий Л.Н. Континент Евразия. М. 1997. С. 69.

Х.Маккиндер, А.Мэхэн, Н.Спикмен ва бошқа классик геосиёсатшунослар тафаккурига қарама-қаршидир<sup>1</sup>.

Геосиёсий концепцияларни таҳлил этишда уларни бир — биридан ажралган ҳолда ўрганиш ноўрин. Геосиёсий концепцияларни яхлит ҳолда ўрганиш фандаги назарий — услубий ёндашувларни чигаллаштирмасдан, балки мавжуд концепциялар назарда тутган таркибий қиисмлар — геомафкуравий омилларга эътибор беришни тақозо этади.

Геосиёсатда географик омиллар катта аҳамиятга эга бўлиб, кўламига кўра у давлатларнинг табиий иқлими, географик жойлашуви, рельефи, ҳудуди, фауна ва флораси ҳамда цивилизацион ва сиёсий (миллат ёки миллатларнинг жамиятда тутган ўрни) тузумини ўзига қамраб олади. Географик омил жаҳон куч марказлари ўртасидаги муносабатларда миллатнинг мавқеини тавсифлаб берувчи дастлабки табиий воситадир.

Давлатлар, у ерда истиқомат қилаётган миллатларни "денгиз" ёки "қуруқликка" оид деб ажратиш жамиятда қайси соҳада бўлмасин қарама — қаршилиқлар, конфликтлар доирасини кенгайтиради, ҳолос. Колаверса, бундай дихотомия учинчи минг йиллик илмий — назарий ва геосиёсий қарашлари тизимида жўнгина утопик таърифдан бошқа нарса эмас.

Дунёнинг кўп қутбли эканлиги ҳақидаги баҳслар XX аср 60 — йилларидан бошланган бўлсада, концепция "совуқ уруш" тугагандан кейин нафақат назарий жиҳатдан, балки амалиётда ҳам кўпчиликнинг эътиборини тортиб систематик таълимот тарзда шаклланди.

### **3.3. Россия ва Қозоғистон геосиёсати ва Евроосиёчилик**

Марказий Осиёнинг геосиёсий аҳамияти ва унинг хавфсизлиги тўғрисида ҳам даставвал исмлари қайд этилган хорижлик мутахассислар ва геосиёсатчилар атрофлича фикр билдиришган. Чунки Марказий Осиё китъадаги энг йирик кучлар, жумладан Россия, Хитой, Ҳиндистон ва Эроннинг ўртасида жойлашганлиги туфайли унинг турли манфаатлар тугунида эканлигини бирдиради. Минтақавий хавфсизлик тўғрисидаги ҳар қандай тадқиқот айнан геосиёсий нуқтаи-назардан қўлга олиниши, минтақанинг турли геосиёсий кучлар ҳамда марказлар ўртасида жойлашганлигидан келиб чиқилиши керак бўлади. Бунинг учун эса аввало геосиёсий фаннинг туб моҳиятини англаш ҳамда минтақавий хавфсизлик тизимини шу фанга тегишли қоидалар асосида қуриш мақсадга мувофиқдир.

Сиёсий фанлардаги муҳим йўналишлардан бири бўлган геосиёсатнинг халқаро муносабатларда, айниқса давлатлар ўртасида стратегик мувозанатни сақлашдаги амалий аҳамияти ўтган асрда кўпроқ намоён бўлди. Лекин шунга қарамадан ҳозирга қадар геосиёсатни илмий йўналиш сифатида легитимлаш масаласи охиригача ҳал этилгани йўқ. Бунинг ўзига хос об'ектив ва субъектив сабаблари бор. Шунга қарамадан геосиёсат, халқаро муносабатларда муҳим ўрин эгаллаётганлигини ҳеч ким инкор эта олмайди

<sup>1</sup> Савицкий Л.Н. Континент Евразия. М. 1997. С. 78.

